

**Существенный факт №06 по итогам Общего собрания акционеров от  
30.06.2022 года.**

<b>ЭМИТЕНТ НОМИ</b>							
Тўлиқ номи:				“Ўзбеккўмир” акциядорлик жамияти			
Қисқартирилган номи:				“Ўзбеккўмир” АЖ			
Биржа тикер номи:				UZIR			
<b>АЛОҚА КАНАЛЛАРИ</b>							
Жойлашган жойи:				Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, Истиклол кучаси 1 уй			
Почта манзили:				110200			
Электрон почта:				info@coal.uz			
Веб-сайт:				www.uzbekcoal.uz			
<b>МАХИМ ФАКТ МАЪЛУМОТЛАРИ</b>							
Мухим факт рақами:				06			
Мухим факт номи:				Юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар.			
Йиғилиш тури:				Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши			
Йиғилиш ўтказилган сана:				30.06.2022г.			
Йиғилиш баённомаси тузилган сана:				08.07.2022г.			
Йиғилиш ўтказилган жой:				Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, Истиклол кўчаси 1 уй			
Йиғилиш кворуми:				97,91 %			
№	Кун тартибига киритилган масалалар	Овоз бериш натижалари					
		Ҳа		Қарши		Бетараф	
		%	Кол-во	%	Кол-во	%	Кол-во
1.	Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш	100	185 250 445	-	-	-	-
2.	Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибинини тасдиқлаш	100	185 250 445	-	-	-	-
3.	Жамиятнинг 2021 йил	100	185 250	-	-	-	-

	яқунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш		445				
4.	“Ўзбекқўмир” АЖ бош директорининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш	100	185 250 445	-	-	-	-
5.	“Ўзбекқўмир” акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг 2021 йил бўйича ҳисоботини тасдиқлаш		185 250 445				
6.	“Ўзбекқўмир” АЖ Тафтиш комиссиясининг 2021 йил якуни бўйича ҳулосасини тасдиқлаш		185 250 445				
7.	Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича ташқи аудиторлик ташкилоти ҳулосасини тасдиқлаш	100	185 250 445	-	-	-	-
8.	Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш масаласини тасдиқлаш	100	185 250 445				
9.	Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини тасдиқлаш	100	185 250 445	-	-	-	-
10.	“Ўзбекқўмир” АЖнинг улуши бўлган маъсулияти чекланган жамиятлар таъсисчилигидан чиқиш масаласини кўриб чиқиш	100	185 250 445	-	-	-	-
11.	2021 йил 30 декабрда ўтказилган навбатдан ташқари йиғилиш кун тартибидаги 3-4 масала бўйича қабул қилинган қарорларни бекор қилиш	100	185 250 445	-	-	-	-
12.	Жамият устав фондирикамайтириш	100	185 250 445	-	-	-	-
13.	Жамиятнинг қўшимча	100	185 250	-	-	-	-

	акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчалар матнини тасдиқлаш		445				
14.	Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш	100	185 250 445	-	-	-	-
15.	Жамиятнинг корпоратив фаолиятининг тартибга солувчи бошқарув низомларини тасдиқлаш.	100	185 250 445	-	-	-	-
16.	Жамият Уставининг янги тахрирда тасдиқлаш.	100	185 250 445	-	-	-	-

<i>Йиғилиш қарорларининг умумий хулосаси</i>	
1	- Акциядорларнинг умумий йиғилиш регламенти тасдиқлансин
2	- М.Сайфидинова, Н.Баишева, О.Мираюбовалар акциядорлар умумий йиғилишининг санок комиссияси аъзолари этиб тасдиқлансин.
3	- Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи иловага мувофиқ тасдиқлансин
4	- “Ўзбеккўмир” АЖ бош директорининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботи шартли равишда тасдиқлансин
5	- Жамият Кузатув кенгашнинг 2021 йил якунлари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин
6	- Жамият Тафтиш комиссиясининг 2021 йил якунлари бўйича хулосаси иловага мувофиқ тасдиқлансин
7	- “Ўзбеккўмир” АЖнинг 2021 йил якуни бўйича “OSIYO-AUDIT” МЧЖ ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан берилган хулосаси тасдиқлансин
8	- Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича соф фойдани тақсимлаш масаласини тасдиқлаш юзасидан Ҳукуматнинг тегишли қарори қабул қилингандан сўнг, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун киритилсин.
9	- “OSIYO-AUDIT” МЧЖ ташкилоти томонидан Жамиятнинг Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича берган хулосаси тасдиқлансин
10	- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг

	75-моддасига асосан жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонунчиликда белгиланган тартибда тузиш жамиятнинг Кузатув кенгаш ваколатга киритилганлигини инобатга олган ҳолда, жамиятнинг улуши бўлган маъсулияти чекланган жамиятлар таъсисчилигидан чиқиш масаласи дастлаб жамият Кузатув кенгаш йиғилишида кўриб чиқилиб қарор қабул қилиш учун йиғилиш кун тартибига киритилсин.
11	- 2021 йил 30 декабрдаги ўтказилган акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилиш кун тартибидаги 3-4 масалаларини бекор қилинсин ва қонунчиликда белгиланган тартибда қайта кўриб чиқилсин
12	Утвердить организационную структуру АО «Узбеуголь» согласно приложению с учетом предложенных изменений.
13	<p>- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 168-сон қарорининг 2-илоvasида назарда тутилган ташкилотлар устав фондидаги давлат ҳамда хўжалик жамиятлари улуши улар томонидан топширилган активларнинг сотилган қийматига камайтирилишини ва бунда сотилган қиймат баланс қийматидан юқори бўлган тақдирда, давлат ва хўжалик жамияти улушлари баланс қиймати миқдорига камайтирилиши белгиланганлигини инобатга олган ҳолда жамият устав фондини объектлар сотилганидан сўнг камайтирилсин.</p> <p>- “Ўзбеккўмир” акциядорлик жамиятига тегишли бўлган “Шарғункўмир” акциядорлик жамиятининг 3 434 580 000 сўмлик 3 434 580 дона оддий акцияларини номинал қийматда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятига берилсин, бунда, берилган акциялар ҳисобига “Ўзбеккўмир” акциядорлик жамияти устав фондидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига (давлат улушига) тегишли 3 434 580 дона оддий акцияларни бекор қилиш йўли билан “Ўзбеккўмир” акциядорлик жамияти устав фондини 3 434 580 000 сўмга камайтирилсин.</p> <p>- “Ўзбеккўмир” акциядорлик жамияти бошқаруви, “Ўзбеккўмир” акциядорлик жамияти устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилсин.</p> <p>- 2021 йил 30 декабрдаги навбатдан ташқари ўтказилган йиғилиш қарорини бажариш мақсадида, “Ўзбеккўмир” акциядорлик жамияти устави 2022 йил 21 январда 457600-сон билан Ангрен шаҳар давлат хизматлари марказида қайта рўйхатдан ўтказилган бўлиб жамият устав фонди 185 773 565 000 сўм, номинал қиймати 1 000 сўм бўлган 184 302 515 дона оддий ва 1 471 050 дона имтиёзли акцияларга тақсимланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.</p> <p>- “Ўзбеккўмир” акциядорлик жамиятининг “Шарғункўмир” акциядорлик жамияти устав фондидаги 48,86 фоиз акцияларини “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятига номинал қийматда бериш тўғрисида томонлар ўртасида келишув имзоланган ва “TSIAR-DEPO” МЧЖ инвестиция воситачиси томонидан 2022 йил 8 январда 315/408-сон билан битим рўйхатга олингани маълумот учун қабул қилинсин.</p>
14	- Жамиятнинг иловада келтирилган аффилланган шахслари билан келгусида кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик

	умумий йиғилишигача бўлган даврда тузиладиган битим (битимлар) маъқуллансин.
15	- Жамиятнинг қуйидаги корпоратив фаолиятини тартибга солувчи бошқарув низомлари тасдиқлансин: 1. “Ўзбеккўмир” АЖнинг Ижроия органи тўғрисида; 2. “Ўзбеккўмир” АЖнинг Кузатув кенгаши тўғрисида; 3. “Ўзбеккўмир” АЖнинг Кузатув кенгаши ҳузуридаги Аудит қўмитаси тўғрисида; 4. “Ўзбеккўмир” АЖнинг Кузатув кенгаши ҳузуридаги тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси тўғрисида; 5. “Ўзбеккўмир” АЖнинг Кузатув кенгаши ҳузуридаги стратегия ва инвестициялар қўмитаси тўғрисида; 6. “Ўзбеккўмир” АЖнинг Кузатув кенгаши ҳузуридаги Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси тўғрисидаги низомлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
16	- Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави иловага мувофиқ тасдиқлансин ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилсин

#### **Кузатув кенгаш аъзоларини сайлаш.**

##### **Кузатув кенгаш аъзолари тўғрисида маълумот:**

<b>№</b>	<b>И.Ш.О.</b>	<b>Иш жойи</b>	<b>Акциялар сони</b>	<b>Акциялар тури</b>	<b>Овозлар сони</b>
-		-	-	-	-